

## АРАБ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

**Қодирова Мадинабону**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар”

Кафедраси ўқитувчиси

тел: 997925597; [matibaevarb@rambler.ru](mailto:matibaevarb@rambler.ru)

Маълумки, араб тилини ўқитилишида турли услублар мавжуддир, аммо араб тили ўрганишнинг бошланғич даври энг асосийдир. Талабалар шу даврда эгаллаган барча билимлари келгуси даврларда ўрганишнинг муваффақиятини белгилаб беради. Айниқса ўрганишнинг фонетика қисмига катта эътибор қаратиш лозимки, чунки шу пайтда товушларни тўғри талаффуз этилиши бир умрга хотирада муҳрланиб қолади. Маълумки араб тилини фонетика қисми ўзига хосдир. Уларга одатда урғу, бўғин, талаффуз (яъни каттиқ ва юмшоқ товушлар, ҳалқум, лабланган, тиш оралиғидан чиқадиган оҳанг), унли товушларнинг қиска ва чўзиқлиги киради, уларнинг бир –бири билан ўзгариши сўзларни маъносини ўзгариб юбориши мумкин. Шу сабабли таълим жараёнининг бошида уларга аҳамият бериб ўргатиш лозим.

Тўғри, урғуларни ўзгариши рус ва бошқа тилларда сўзларни маъносини ўзгартирмасда, у ўз ўрнида қўйилмаса, сўзловчини араб эмас, балки чет элликлиги билиниб қолади. Талаффуз борасида араб тилининг ўзига хос бўлган ундош товушларни эгаллаб олиш учун уларни сўз бошида, ўртасида ва унинг охирида келувчи феълларни олиб, уларни ўтган замоннинг бўлишли ва бўлишсиз шаклларида туслатиш (бунинг учун ўқув жараёнининг бошида, яъни ёзувни ўзлаштираётган пайтдаёқ феълларни транскрипция шаклида вазифа сифатида бериш керак).

Ҳар қандай тил ўрганишнинг чўққиси гап бўлганлиги учун, оғзаки нутқни ривожлантириш ва ўстириш учун ҳар бир расмий дарс олдида худди спортчиларимиз, мусиқа асбоб чалувчи, опера артистларимиз каби 3-5 дақиқа давомида “разминка” қилдириш, яъни талабаларни дарсга мослаштириш керак. Бунинг учун барча толибларга феълларни бўлишли ва бўлишсиз шаклларда туслатиш лозим.

Ўқув йилининг бошидан тилни араб тилида олиб бориш ҳамда араб тилидаги грамматик терминларни икки тилда: ўзбек– араб, рус – араб тилларда тақдим этиш керак.

Мазкур тилни ўзбек ва рус тиллари билан қиёсий ҳолда бериш (хусусан сўз бирикмалари, исмий ва феълий гаплар) керак.

Луғат қисмида янги сўзларни ўз сифати ва сифатдоши билан, исмларни (от, сифат, сонларни) икки хил шаклда, феълларни эса инфинитив (ўтган), ҳозирги-келаси замон ва масдарлари билан берилса яхши ёдда қолади.

Араб тилига хос бўлган тайёр конструкцияларни ёдлатиб, уларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллаш.

Ўқилган ва таржима қилинган матнларга савол қўйиш ва улар асосида матнларни ижодий равишда ўз сўзлари билан бойитиб сўзлаб бериш.

Аудиторияда доска билан ишланганда гапни ёзма ҳолатда таржима қилиш ва хатоси бўлса талабаларни ўзига тузаттириб, хатонинг сабабини (ўрганаётган тилда) шарҳлаб бериш.

Ўтилаётган янги грамматик мавзунини араб ва она тилида тушунтириб бериш. Мақсад талаба араб нутқини кўпроқ эшитишга муваффақ бўлади ва унинг ўрганаётган тилга нисбатан қизиқиши ва меҳри ошади.

Ўтилаётган янги матнни техника воситасида эшиттириш ва уни таржима қилиш.

Турли ҳаётий мавзуларга оид матнлар билан талабаларни таъминлаш ва талабаларнинг ўзлари ҳам ҳар дарсда сиёсий, ижтимоий янгиликларни тайёрлаб араб тилида сўзлаб беришлари керак.

Талабаларга ўқитувчи меҳр бериши ва меҳрибон бўлиши керак, зеро талаба буни хис қилса, кайфияти ошади ва аста-секин тортинчоғлиги йўқолади.

Ўқитувчи доимо ўқувчилар учун энг осон ва қулай йўлини излаб ижодий ёндашиши ва иложи бўлса ўқитувчи психолог, артист ва ўз соҳасини мукамал билиши, севиши лозим. Д.Ж. Янг яхши чет тили ўқитувчисининг педагогик маҳорати, шунингдек, илм-фан соҳасида (педагогика, психология) билимларга эга бўлиши, уни дарсни яхши ташкил этиши, материаллардан мақсадли тарзда фойдаланиши, уларни тақдим эта олиши ва изоҳлаб бера олиши муҳим ҳисобланади. Берилган мавзуга оид маълумотлардан ташқари, чет тил ўқитувчиси ўз ўқувчиларининг ёши ва қизиқишларига мос келувчи қўшимча материаллардан фойдаланиши муҳимлиги таъкидланади [1].

Юқоридаги фикрларга қўшимча равишда араб тилини ўргатишнинг бошланғич даврида араб маданияти ва арабларнинг миллий хусусиятларига, шунингдек ёзма машқларни тизимли тарзда қўллашга катта аҳамият бериш керак, сабаби у араб лексикасини талабалар томонидан яхши ўзлаштиришига ёрдам беради [2, 14 б.].

Бундан ташқари И.Ибрагимов куйидаги лойихавий ўқитиш усуллари таклиф этади: [3,35-36 б.]

- Талабалар томонидан ҳар хил мавзу бўйича видеороликлар тайёрлаш.
- Эртак, мультфильм, ҳикоя, шеърларни араб тилида видеоматериал ёки аудио шаклида тайёрлаш.
- Театр томоша шаклида. Бунда талабалар ҳар хил ролларни катта аудиторияда намойиш этадилар.
- Грамматик мавзу, араб давлатлари, маданияти бўйича презентациялар тайёрлаш.
- Талабаларга янгиликлар араб тилида эшиттирилади ва улар уни интонацияларига эътибор берган ҳолда аслидидек қайтаришга ҳаракат қиладилар.
- “Оғзаки нутқ марафони” ўнта дарсни ўз ичига олади. Талабалар ҳар дарсга ўнта савол тайёрлаб, унинг жавобларидан матн тузадилар ва охириги дарсда эса юзта саволга жавоб бўлган матн тайёрланади.

Қоҳира университети устози Тарек Аббос чет эллик талабаларга араб тилини ўргатишда ноёб услубни ўйлаб топди, яъни у торли асбобда куй чашиб, классик араб тилида ва унинг лаҳжасида қўшиқ айтади. Унинг фикрича бу усул араб тили грамматикасини тушунишга ёрдам беради [4].

Замонавий педагогика чет тилида фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган, яъни фикрлаш нафақат она тилида, балки чет тилида амалга ошса ҳозирги замон талабларига жавоб беради [5, 4 б.]. Араб тилини ўқитиш бўйича қанча услуб бўлишидан қатъий назар, биз ўқитувчилар шундай малакали мутахассисларни етиштиришимиз керакки, уларга келгусида араб тили бўйича бериладиган вазифаларни энг юқори даражада бажара оладиган этиб тайинлашимиз керак.

### Адабиётлар:

1. Сулейманова Н. Чет тили ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ошириш асослари // Педагогик маҳорат илмий – назарий ва методик журнал.- Бухоро 2019. - № 4-сон
2. Ибрагимов И.Д. Обучение основам владения арабским языком (начальный этап языкового вуза). Авт. дисс. ... канд.пед.наук. –Пятигорск. 2004. – Б. 14
3. Ибрагимов И.Д. Проектный метод обучения как инструмент стимулирования учебно-познавательной деятельности (на примере арабского языка). С.-35-36
4. Профессор из Египта изобрёл революционный способ изучения арабского языка.// Islamosfera.ru
5. Шайхаллин Т.А. Реализация технологии проблемного обучения в высшей школе(на примере преподавания арабского языка и страноведения). Авт. дисс. ... канд.пед.наук. –Казань. 2006. – Б. 4
6. KAZAKBAYEV Akbar, (2019) Osobennosti prepodavaniya inostrannix yazikov: problemi i metodi. The Light of Islam: 2019 (4), 14.
7. Казакбаев, Акбар. (2020) Цели обучения синхронному переводу / Исследования молодых ученых: материалы XIV междунар. науч. конф. – Казань: Молодой ученый, 2020. – с. 62-64.
8. Matibaeva, Raziya (2019) «SACRALIZATION AND TRADITIONALIZATION OF PERSONALITY ABU KHANIFA IN MAVARANNAHR», The Light of Islam: 2019 (4), 3.
9. MATIBAYEVA, Raziya (2019) «THE DEVELOPMENT OF KHANAPHISM IN MAVARANNAKHR», The Light of Islam: 2019 (3), 16.

10. Матибаева, Р. Б. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» / Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74.
11. Матибаева, Р. Б. (2020) Научно-духовное наследие имама Абу Ханифы / Молодой ученый. — 2020. — № 42 (332). — С. 282-284.
12. Матибаева, Р. Б. (2020) Имам Абу Ханифа и теория познания / Исследования молодых ученых: материалы XIV Междунар. науч. конф. (г. Казань, ноябрь 2020 г.) –Казань: Молодой ученый, 2020. – С. 70-71.
13. Mullasodiqova, Nigora (2019) Sentence in the science of maoniy and its types, The Light of Islam: 2019 (2), 14.
14. Исамутдинов, А.Б. (2020) Урок как основная форма учебного процесса / Исследования молодых ученых: материалы XIV Междунар. науч. конф. (г. Казань, ноябрь 2020 г.) –Казань: Молодой ученый, 2020. – С. 53-55.
15. Шукуров Ё.А. (2020) Инновационные методы эффективного использования таксономии Блума в формулировании целей обучения Исследования молодых ученых: материалы XIV Междунар. науч. конф. (г. Казань, ноябрь 2020 г.) –Казань: Молодой ученый, 2020. – С. 67-70.
16. Кадырова М. Т. (2019) Религиозные взгляды в борьбе с коррупцией // Молодой ученый. — 2019. — №48. — С. 493-496.
17. Арипова, З. Д. (2019).«АРАБ ТИЛИДА СУРОҚ ГАПЛАР»МАВЗУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Современное образование (Узбекистан)*, (1 (74)).